


ВОҲАЛИКЛАР ҲАЖ САФАРИГА КУЗАТИЛДИ



Гуруҳларга бўлинган воҳадошларимиз шукроналик остида яхши ниятлар ила автобусларда сафарга кузатилди. Куннинг иккинчи қисмида ҳам воҳанинг Олтинсой, Денов, Сариосиё, Қизириқ, Бандихон ҳамда Бойсун туманларида истиқомат қилувчи фуқаролари айнан Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий зиёратгоҳидан кузатилди. Бўлажак ҳожиларни кузатишга чиққан яқинлари отахон-у онахонларни ёруғ юз билан кузатиб, уларга оқ йўл тилашди.